

ЖАҲОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимизда сайёҳликнинг экотуризм, экстремал, маърифий, маданий ва жисмоний саёҳат каби турлари ҳам изчил ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанги спортга қизиқувчилар кўпаймоқда. Ички туризмни ривожлантириш, худудларда тарихий-археологик боғлар барпо этиш, янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, қишлоқ жойларда туризм ва туристик хизматлари ривожлантириш, автомагистрал йўллар, сайёҳлик объектлари атрофида меҳмонларга замонавий сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этишда хусусий сектор фаоллик кўрсатмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм йўналишидаги касб-хунар коллежлари, Тошкент давлат иқтисодий университетининг сайёҳлик факультети, Самарқанд иқтисодий ва сервис ҳамда Тошкентдаги Сингапур менежментини ривожлантириш институтларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона ҳўжалиги ва ресторани иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Соҳада хорижлик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини халқаро миқёсда кенгайтириш қилиш ва шу йўл билан сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан маркетинг лойиҳалари – мегаинфо-турлар ташкил этилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Буюк Британия, Венгрия, Италия, Испания, Нидерландия, Россия, Сингапур, Франция, Хитой, Япония каби кўплаб мамлакатларнинг икки юздан зиёд сайёҳлик

компаниялари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, мега-инфо-турлар лойиҳаси Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар сонини 2012 йил якуни бўйича ўртача 15 фоизга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон билан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар изчил тараққий этмоқда. 2011 йилнинг октябр ойида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Жанубий Кореяда бўлиб ўтган 19-сессиясида Ўзбекистон 2011-2015 йиллар давомида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши аъзоллигига сайланган. Мазкур нфузули халқаро ташкилот билан ҳамкорлик мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини муттасил

йўлидаги туризм» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси шулар жумласидандир.

«Ипак йўлидаги туризм» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш ва хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ички туризмни янада ривожлантиришдан иборат.

Ярмаркада иштирок этаётган сайёҳлик фирма ва компаниялари сони йил сайин ошиб бормоқда. 2011 йилда анжуманда ўнлаб мамлакатлардан беш юздан зиёд сайёҳлик ташкилоти қатнашган



морта иштирок этмоқда, – дейди Таиланднинг «Grand Orchid Travel» компанияси бош менежери Сурасак Котпромси. – Бугунги кунда Таиланд сайёҳлигини ривожлантириш борасида катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг дурдонаси саналади. Шу боис ҳам Таиландда бой тарихга эга бу заминга тарширф буюришни истаган кишилар кўп.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида муҳассас этган. Унда сайёҳлик бозорининг барча тузилмалари – туроператорлар, турагентлар, йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий отеллар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, авиаташувчилар, глобал буюртма тизимлари, туризминс ва бошқа сайёҳлик хизматларининг дастурий таъминотчилари, музейлар ҳамда маданий ҳордик чиқариш ва дам олиш саноати корхоналарининг хизматлари, соҳага оид замонавий технологиялар

таклиф этилмоқда. Ярмаркада бизнес, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, экскурсия, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соҳага доир кўчмас мулк ва суғурта, соғломлаштириш каби йўналишларга оид бўлимлар иш олиб бормоқда.

Ярмаркадан ўрин олган «Ўзбекистон миллий павильони» да мамлакатимизнинг барча худудларидан ўнлаб сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этмоқда. – Бугунги ярмаркада Сурхондарё вилоятида жойлашган «Силк Род», «Шарк», «Меридиан», «Улугбек» каби олтита меҳмонхона иштирокчиларга ўз хизматларини таклиф қилмоқда, – дейди «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Сурхондарё вилоятидаги саёҳат ва экскурсия бюроси раҳбари Зафар Намозов. – Сурхондарё вилоятида тўққиз юздан зиёд тарихий обидалар мавжуд. Вилоятимизга келаётган сайёҳлар сони йил сайин ортмоқда.

Хорижнинг нфузули халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмон-

хона ва ресторанлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар, мафтункор табиат ва тарихий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ хунармандлиги буюмлари, фотозамонавийлар, экотуризм ва спорт туризми, авиатранспорт, меҳмонхона, суғурта ва банк хизматлари, миллий ва худудий сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўплаб маълумот ва адабиётлар билан танишиш имкониятига эга.

Ярмарка доирасида ташкил этилган «Миллий таомлар фестивали», «Шарк бозори» экспозицияларида иштирокчиларга ўзбек миллий таомлари ҳамда соҳаватли заманимизда етиштирилган сархил мева ва сабзавотлар билан танишиш, миллий пазандчилигимиз ҳақида маълумотга эга бўлиш имконияти яратилган. Анжуман қатнашчилари «Хунармандлар шаҳри» бўлимида намоийишга қўйилган маҳоратли усталар томонидан нозик дид билан ишланган миллий хунармандлик буюмларини томоша қилиб, эсдалик сифатида сотиб олиш имконига эга.

Ўзбекистонлик ва хорижлик санъаткорлар томонидан тақдим этилаётган концерт дастурлари, ўзбек миллий либослари намоийиш ҳам меҳмонларда катта таассурот уйғотмоқда.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида аъло даражадаги сайёҳлик йўналиши тақдими, компания ва меҳмонхона тақдими, энг яхши тенд каби йўналишларда танлов бўлиб ўтди.

Мадина УМАРОВА,
Ўза мухбири.
Аъло АБДУЛЛАЕВ
(Ўза) олган суратлар.



юксалтиришда, бу соҳада бошқа ташкилот билан муносабатларни кенгайтириш ҳамда Буюк ипак йўли маданий меросини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда ушбу ташкилот билан ҳамкорликда халқаро сайёҳлик ярмаркалари, анжуманлар ва семинарлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Аънавий «Ипак

бўлса, бу йил Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амириклари, Индонезия, Испания, Россия, Таиланд, Франция, Хитой, Чехия, Словакия, Швейцария, Вьетнам, Туркия, Туркменистон ва Хиндистон каби ўнлаб мамлакатлардан етти юздан ортик фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

– Компаниямиз Тошкент халқаро туризм ярмаркасида илк

«ЎЗПАХТАСАНОАТ» КОРХОНАЛАРИДА

МОДЕРНИЗАЦИЯ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Ўзбекистон нафақат пахтани экспорт қилувчи, балки уни қайта ишловчи саноати ривожланган мамлакатга айланиб бормоқда. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида рўстимизда ишлаб чиқарилган тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспозицияси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотгани бунинг ёрқин далилидир. Ярмарка иштирокчилари эътироф этганидек, бунинг асосий омилли сифатли хомашёдандир. Сифатли хомашё тайёрлашда эса пахта тозалаш саноати муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда пахта тозалаш саноати ривожланиб, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, тола сифатини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарори асосида республикамиздаги барча пахта тозалаш заводлари реконструкция ва модерни-



зация қилинди. Хусусан, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамиятида ҳам кенг кўламини ишлаб амалга оширилди. Эски технологиялар ўрнига хориждан кўриштирилган, тозалаш, тола ажратиш ва тойлаш ускуналари келтириб ўрнатилди. Хомашё қайта ишланадиган, жажон андозалари талабларига жавоб берадиган, юксак дидли харидорларга манзур бўладиган тола олинмоқда.

ни қайта ишлаши мумкин. Корхонанинг замонавий техника воситалари билан жиҳозланиши электр-энергия ва бошқа харажатлар иқтисод қилиниб, иш унумдорлиги ошишига олиб келди. Бунинг натижасида, даромад ҳам кўпайиб, фойданинг бир

қисми корхонани янада ривожлантириш, жамоа аъзоларининг меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилаш, соғлиқларини тиклашга, хайрия ишларини кўпайтиришга сарфланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш сифат ва самарадорликни оширади. Бу эса тўқимачилик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаб, табиий, ранг-баранг кийим-кечаклар ишлаб чиқарилишига омил бўлаётир. Мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, уларнинг техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга сармояларини йўналтириш кўлами кенгайтирилишининг боиси ҳам шунда.

Аъқоб ЭЛМУРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.
Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

«ЎЗАГРОСУГУРТА» – АГРАР ТАРМОҚ ТАРАҚҚИЁТИГА КАМАРБАСТА

Мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компаниялари орасида «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси алоҳида ўрин тутди. Компания ўзининг кенг тармоқли худудий бўлинмалари ва агентлик тизимига эга бўлиб, тузилган суғурта шартномалари, йирилган бадаллар ҳамда суғурта тўловларини амалга ошириш борасида юртимиз суғурта бозорига етакчилик қилмоқда.



Унда Қарши шаҳридаги 1-иқтисодлаштирилган ва 3-умумтаълим мактабининг ўқитувчи ва ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқалар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар республикамизда ўтган йиллар мобайнида агроф-муҳит муҳофаза-сига оид салмоқли ишлар қилинганлиги, айни вақтда бу борадаги қонуналарнинг тақомиллаштирилганини алоҳида қайд этишди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад юртимизда муҳофама этилаётган «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишди, – дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракати вилоят худудий бўлинмаси раҳбари Носир Хошимов. — Шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини янада юксалтириш, таълим муассасаларида ҳамда корхона, ташкилотларда экологик муҳит ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга экологик муаммоларга бағишланган видеофильм намойиш қилинди.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

ланди, – дейди «Ўзагросуғурта» компанияси бошқаруви менежери, иқтисод фанлари номзоди Абдурашид Ваҳобов. — Ушбу зарарлар қопланиши ёки камайтирилишини энг мақбул йўллари билан бир қишлоқ ҳўжалиги талаваккаликларидан суғурта қилиш механизмидир. Дунё амалиётида ҳосил суғуртаси қишлоқ ҳўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларни турли қалтисликлардан ҳимоя қилувчи кафолат ҳисобланади. Зеро, аграр тармоқ барқарорлигини таъминлаш орқали озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси, экспорт қилинувчи маҳсулотлар ишончилиги кафолатланади. Шу боис, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар учун барқарор суғурта бозорини ривожлантириш доимий эътиборда.

Компания қишлоқ ҳўжалик корхоналари ва фермер ҳўжалик фаолиятининг узлуksизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг турли табиий офатлар натижасида қўриладиган зарарларини қоплаш чораларини қилмоқда. Шу мақсадда пахта, галла, боғ ва узумзорлар, саб-

завот ва полиз экинлари, техник экинлар, ёг- мой экинлари, пичанзор ва яйловлар, тут барглари ҳосили суғуртаси, лизингга олинган техникалар суғуртаси, фермер ҳўжаликларини мол-мулкларини ва уларни оилавий бахтсиз ҳодисадан суғурталаш каби янги хизмат турлари жорий этилмоқда.

Ҳосил суғуртасидан ташқари, тижорат банклари томонидан галла ва пахта етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредит маблағлари қайтарилишини суғурталаш ишларини ҳам олиб бормоқда. Туланаётган суғурта шартномалари қарздорлар мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишига кўмаклашмоқда. Бу эса банк мижозлари ва кредит оловчиларни тўлиқ суғурта ҳимоясига олиш ва кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлашда қўл келаётир.

— Суғурта компанияси билан доимий алоқа ўрнатганимиз, – дейди Иштихон туманидаги «Мухаммад нор» фермер ҳўжалиги раҳбари Нурсайд Турдиев. — Қишлоғимиз тоғ бағрида жойлашгани боис деҳқончилик иш-

ларида эҳтиёт чорасини қўриш катта аҳамиятга эга. Чигит экинлар жойларда дўл ёғиши ёки сел келиши эҳтимолдан холи эмас. Суғурта компанияси билан шартнома тузиш бундай ҳолатларда зарур. Утган йили табиий офатдан анча зарар кўрдик. Ҳосил кам бўлгани учун банкдан олинган кредитларни қайтаришимизда «Ўзагросуғурта»нинг тўловлари катта ёрдам бўлди.

Компания ўтган йилги мавсумда қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳосили учун қарийб йигирма мингта суғурта шартномаси тузилиб, салкам саксон миллиард сўм суғурта жавобгарлигини олган эди. Хусусан, пахта ва галла ҳосили суғуртаси бўйича қарийб 19 мингта шартнома кўчга киритилиб, 71 миллиард сўмга суғурта жавобгарлиги олинган.

2011 йилда бўлиб ўтган табиий офатлар натижасида зарар кўрган фермер ҳўжаликларига экинлар ҳосили суғуртаси бўйича 2,2 миллиард сўм, жумладан, пахта ҳосили бўйича 1,7 миллиард, галла учун эса 436,3 миллион сўм суғурта товони тўлаб берилди. Шунингдек, тижорат банклари томонидан пахта ва галла етиштиришни молиялаштириш учун фермер ҳўжаликларига берилган имтиёзли кредитлар қайтарилмаслиги суғуртаси бўйича 126,1 миллион сўм товон пули тўланди.

— Утган йили табиий офат туфайли мўлжалдаги ҳосилни ололмадик ва даромадимиз камгайиб кетди, – дейди Каттақўрғон туманидаги «О.Ражабов» фермер ҳўжалиги раҳбари Олмас Тураев. — Бундай ҳолатда фермер ўзини қайта тиклаб оли-

ши учун йиллар керак бўлади. Суғурта компанияси билан шартнома тузганимиз бизга қўл келди. Қўрилган зарарнинг салмоқли қисми компания томонидан тўлаб берилди.

Компания нафақат пахтадан кам ҳосил олган, балки бошқа йўналишларда зарар кўрган мулк эгаларига ҳам зарарини қоплашда яқиндан кўмаклашмоқда. Мисол учун, картошка ҳосилига етказилган зарар учун Бўстонлиқ туманидаги «Усмон ота» фермер ҳўжалигига 16,8, табиий офатлардан зарар кўрган боғ ҳосили учун Зангиота туманидаги «Рустамбек Турсунбек» фермер ҳўжалигига 11,3, нобуд бўлган чорва моллари учун Паркент туманидаги «Акulli» фермер ҳўжалигига 9, Нуробод туманидаги Ўзбекистон ширкат ҳўжалигига 6,2 миллион сўм товон пули берилди. Натижада ишонч ортиб, компания билан шартнома тузаётган фермерлар сони бу йил янада кўпайди. Бу эса қишлоқ ҳўжалиги тараққиётига муҳим ўрин тутди билан бирга, мамлакатимизда аграр тармоқнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фермер ҳўжаликларига кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш ҳамда қўрилган зарарларни ўз вақтида қоплаб беришда компаниянинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда Президентимиз томонидан жорий йилнинг 5 июлида қабул қилинган «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясининг капитализация даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғри-

сида»ги Қарори янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Унга қўра, ташкилот ва корхоналарга ҳамда аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматининг сифатини янада яхшилаш дастури ишлаб чиқилди. Хусусан, суғурталаш шартлари, суғурта шартномалари ва суғурталаш қондалари хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида тақомиллаштирилиб, суғуртанинг янги турлари таклиф этилмоқда. Хусусан, бугунги кунда суғурталаниш бошқа турлари қаторида аҳоли, ширкат ва фермер ҳўжаликларидан чорва молларини суғурталаш йўлга қўйилмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» муносабати билан «Мустаҳкам оила» ва «Мустаҳкам оила равнақи» деб номланган акция ва суғурта хизматлари ҳам жорий этилиб, суғурта муқофотлари ҳажми 140 фоизга етказилди. Келгусида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун берилган микрокредитларини суғурталаш бўйича ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйиш, тақрорий экинлар ҳосилини суғурталаш камровини ошириш, фермерларнинг муқофотлари асосида пахта ҳосили суғуртаси бўйича суғурталаш муқофотларини узайтириш ҳисобига қўшимча суғурта муқофотлари тушумини таъминлаш ва компания тизимида қайта суғурталаш фаолиятини йўлга қўйишга муносабати билан қайта суғурта муқофотлари тушумини таъминлаш чоралари қўрилмоқда.

Раимқул СУЯРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Анжусон Вилояти

КООПЕРАЦИЯНИНГ КЕНГАЙИШИ — АЙНИ МУДДАО

Фермерликни бошлаганимизда 12 гектар ерга эга эдик. Ҳозирга келиб экин майдонимиз 106 гектарга етди. Фермер бўлганимиздан буён ўтган вақт мобайнида хўжалигимизда шартнома режалари ортиги билан бажариб келинмоқда. Режаларни бажариш баробарида сифатни оширишга ҳам интиляпмиз ва эришяпмиз.

Жорий йилда 48 гектар майдонда уруғлик бугдой етиштирдик. Шартнома режасини 110 фоизга бажариб, давлатга дон сотишнинг ўзидан 101 миллион сўм даромад қилдик. Хиромонимизда салкам 100 тонна дон қолди. 57 гектар ерда гўза парвариш қилиб, пахта тайёрлаш режасини ошириб бажардик. Тайёрлаган ҳосилимизнинг барчаси юқори навга қабул қилинди. Ялпи даромадимиз 300 миллион сўмга етди. Шунинг қарийб 100 миллион сўми фойда бўлаётди.

Ўтган йиллар давомида даромадимиз эвазига замонавий техника воситалари сотиб олдик. Бугунги кунда хўжалигимиз ихтиёрида 330 миллион сўмлик тех-

ника воситалари бор. Бунинг нафи шундаки, биронта агротехник тадбир ижроси эртанги кунга сурилмайди. Яратиб берилаётган шароитларга шукроналик билдириб, ерга меҳр бериб меҳнат қилаётган ва роҳатини кўраётган ҳамкасбларимиз кўп.

Ана шундай интилувчан фермерлар сафининг кенгайиб бораётганлиги хисобига аграр соҳадаги ислохотларнинг натижалари барчани қувонтирмақда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда эълон қилинган "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирла-



ри тўғрисида"ги Фармони билан фермерларга бўлган юксак эътиборнинг давомийлигини ўзида акс эттирган муҳим ҳужжатдир. Унинг ҳар бир сатрида фермерга эътибор ва унинг эртасига юксак ишонч уфуриб турибди. Ҳали ишга со-

линмаган имкониятлар қанчалар кўп эканлигини биз фермерлар яхши англаймиз. Ишга ҳалақит бераётган бюрократик ёхуд маҳаллийчилик билан бог-лас тўсиқлар мавжудлиги ҳам истисно эмас.

Фермер сифатида кооперация ҳақидаги айрим мулоҳазаларимни ҳамкасбларим билан ўртоқлашиб турар эдим. Фармонда "... маҳсулот ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фермер хўжаликлари кооперациясининг турли шакллари ташкил этиш ва кенгайтиришга қўмақлашиш" ҳақидаги сатрларни ўқиб эканман, қувончим ортиб кетди. Галнинг рости, баъзи фермерлар ўртасида ўзаро кооперация асосида ривожланиш бўйича ҳамфикрлик етишмапти. Айтилдики, битта массивда 10 та фермер хўжалиги бор. Хўжаликни юргизиш учун ҳайдов, чопиқ ва транспорт тракторлари, севалка, борона, оточ, ОВХ, НРУ, дон ўриш комбайнига эътибор катта. Ҳар бир фер-

мер санаб ўтилган техникани мустақил равишда харид қиламан, деб ҳаракат қилапти.

Лекин ҳайдов трактори бир йилда неча кун ишлатилади? Комбайнчи? Хуллас, бу борадаги савол ва жавобларнинг иқтисодий таҳлилида узвийлик етишмаётган эди.

Мутахассислигим — иқтисодчи. Ривожланган мамлакатларда кооперация тараққиёт белгиси ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда Президентимиз Фармонда кооперация ҳақида сўз борганлиги, унинг тарғиботи ва самараси ҳақида янги тузилаётган фермерлар кенгашига кенг имкониятлар берилаётганлиги, албатта, ўз натижасини беради. Фармоннинг ҳар бир сатрида ана шу мақсадга эришиш ва бунинг учун ҳам-жиҳатликда ҳаракат қилишга даяват мўжассам.

Рашидбек МАМАДАЛИЕВ, Пахтаобод туманидаги "Нур агро" фермер хўжалиги раҳбари.

Хоразм Вилояти

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган Фармони фермерлик фаолиятини замон талаблари асосида ташкил қилиш, унинг барқарор ривожланишини таъминлашни яна бир муҳим йўл-йўриғи ва бу борада кўрсатилаётган қўмақларнинг яна бир яққол ифодаси бўлди.

КЕЛГУСИ ФАОЛИЯТДА АСОСИЙ ДАСТУРИЛАМАЛ

Фармонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг етакчи бўлини ҳисобланган фермер хўжаликлари кўрсатиб берилган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бугунги фермер иқтисоди ишламас, қайта ишлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш, савдо-сотикни йўлга қўймас, у ривожланишдан орқада қолади.

Жамоамиз ихтиёрида 77 гектар экин майдони бўлиб, унинг 28 гектарига бугдой экиб, ҳар гектар ҳисобига 59 центнердан галла етиштирдик. 43 гектар пахта майдонини уйган хиромонимиз салмоғи 240 тоннага етди. Олимларимиз маслаҳатлари асосида гўзанинг воҳа иқлим ва тупроқ шароитига мос "Жайхун" навини етиштириб, 90 тонна уруғлик пахта топширдик. Шунингдек, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиали олимлари билан биргаликда гўзанинг "Парвоз", "АН-518", "Генафон" янги навларини парваришлаб, синовдан ўтказмоқдамиз. Ердამчи тармоғимизда 20 бош қорамол бўлиб, унинг 11 боши соғим сигирлардир. Улардан олинган маҳсулот ва далаваримизда етиштирилган мева-сабзавотларни сотиш учун Урганч дехқон бозорида дўкон очганмиз. Тез орада унинг ёнида нон, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни йўлга қўямиз. Бу билан 15 нафар киши иш билан таъминланади. Галладан бўшаган майдонларнинг 20 гектарига шартнома асосида шоли экиб, улдан ҳам юқори ҳосил етиштирдик. Пахтачиликдан келаётган 145 миллион сўм фойда, ана шулар ҳисобига янада кўпаяди.

Ўйлайманки, Президентимизнинг маъруз Фармони ишларимизни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлади.

Муборак ЖУМАНИЁЗОВА, Хонка туманидаги "Исмоил ота" фермер хўжалиги раҳбари.

Қашқадарё Вилояти

ЯНА БИР ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан катта хурсандчилик билан кутиб олдик.



Унда мустақиллик йилларида биз қишлоқ мулкдорларига яратиб берилган шароитлар, олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз ҳамда бу борадаги ечимини кутайтган муаммолар ва уни бар-тарф этиш йўллари ёрқин кўрсатиб берилган. Шунингдек, бу муҳим ҳужжатда фермер хўжаликлари янада такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишда, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштиришда аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини таъминлашда биз қишлоқ мулкдорларининг ролини кучайтириш ҳақида қimmatли фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ҳозирги кунда ер майдонимиз 100 гектарни ташкил этади. Шунинг 50 гектари пахтачиликка, қолгани галлачиликка ажратилган. Биргина ўтган йили дондан 50 центнердан, пахтадан 35 центнердан ҳосил олинган бўлса, жорий йил бу кўрсаткич 5-6 центнерга ошди. Ялпи даромадимиз 250 миллион сўми, соф фойда эса 145 миллион сўми ташкил этмоқда. Биз даромадчи биринчи навбатда фермер хўжалигимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфляпмиз. Бугунги кунда техника паркимизда чопиқ, ҳайдов тракторлари, комбайн ва бошқа турдаги механизмлар мавжуд. Тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари бизга доимо елкадош. Эндиги асосий мақсадимиз, иқтисодий мустақиллик ва молиявий барқарорлиқни ошириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринларини яратишга ҳам имкон беради.

Сирасини айтганда, Мухтарам Президентимизнинг ушбу Фармони фермерлик фаолиятининг янада ривожланишида, такомиллашувида муҳим босқич бўлади.

Омонжон ИЛЁСОВ, Касби туманидаги "Илбў Турдиев" фермер хўжалиги раҳбари.



ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

Шуни таъкидлаб айтмоқчиман — Ўзбекистонда бу ҳаракатни янада ривожлантириш, уни янги босқичга кўтариш, қудратли бир ижтимоий кучга айлантириш йўлида давлатимиз ва шахсан ўзим Президент сифатида фермерлик ҳаракатини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрман. Кимки фермерлик ҳаракатига қарши чиқадиган бўлса, бу Президент сиёсатига қарши чиқиш билан баробар, деган сўзларимни бугун такроран айтмоқчиман...

Президентимизнинг шу йил 15 июнь куни бўлиб ўтган Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан.

Бугун фермерлик ҳаракати ривожланишининг янги босқичига қадам қўймоқда. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоқда саноатни жадал тараққий эттириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, ҳудудларимизнинг ижтимоий-иқтисодий раванқига, аҳоли фаровонлигини оширишга, одамларни, биринчи навбатда ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўйиши лозим.

Президентимизнинг шу йил 9 октябрь куни Хоразм вилояти фермерлари билан ўтказган мулоқотидан.

Сурхондарё Вилояти

ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШЛАРИ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

Эзгу ниёт билан 1996 йилда 14 гектар ер олиб фермер хўжалигини ташкил этган эдик. Йиллар ўтиши билан ҳосилдорликни ошириб, экин майдонларини ҳам кенгайтириб бордик. Қарангки, меҳнатимиз қадр топди. Президентимиз томонидан эътироф этилди: 2003 йилда "Меҳнат шўхрати" ордени билан тақдирландим.

Жорий йилда 48 гектар галла майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан сара дон йиғиштириб олдик. 30 гектар майдонда гўза парваришлаб, ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирдик. Насослар билан сугориладиган майдонларнинг гектаридан шартнома режасидан 24 центнер ўрнига 30 центнердан юқори навли пахта топширдик. Саъй-ҳаракатларимиз натижасида бу йил галла ва пахтачиликдан 50 миллион сўм соф фойда олишни ҳисоблаб турибмиз.

Президентимиз Фармонда фермер хўжаликлари моддий-техника таъминотини яхшилаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, аввалда мавжуд бўлган фермер хўжаликлари уюшмалари ўрнида фермерлар кенгашларини ташкил этишдек улғувор вазифалар белгилаб берилдики, бу биз фермерлар учун муҳим аҳамиятга эга.



Фермер Абдуразақ Хотамов ўғли Сайидовал билан галла майсаларини кўздан кечирмоқда.

Очилигини айтганда, олдин фаолият кўрсатиб келган фермер хўжаликлари уюшмалари, унинг вилоятдаги вакиллик органининг фаолиятдан қониқмас эдик. Эндиликда фаолият кўрсатадиган кенгашлар Фармоннинг 6-бандида қайд этилганидек, "Фермерларнинг тегишли кенгашлари фермер хўжаликлари ривожлантириш ва уларнинг фаолияти масалаларига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа қарорлар лойиҳаларини давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқишда фаол қатнашдилар". Бу фермерларнинг жамиятдаги фаолияти ошуви, уларнинг фаолияти янада такомиллашганлигини далолат беради.

Абдуразақ ХОТАМОВ, Ховос туманидаги "Исмоилжон чавандоз" фермер хўжалиги раҳбари.

Самарқанд Вилояти

Президентимиз Фармондаги "Биринчи навбатда гап фермер хўжаликлари янада такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишда, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштиришда, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш тўғрисида бормоқда", дейилган жумлаларда фермерга нақадар катта ишонч билдирилётгани яққол акс этиб турибди.



ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ — ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ

Бу эса биз — фермерларни самарали, бор куч-ғайрат билан ишлашга, қишлоғимизнинг, юртимизнинг гуллаб-яшнашига, одамларимизнинг фаровон яшашига кўпроқ ҳисса қўлишига, янгиликлар сари интилишга ундайди.

Ҳар йили пахтадан, галладан юқори ҳосил оляпмиз. Даромадимиз ҳам шунга яраша. Бу йил 60 гектар майдонда галладан 53 центнердан, 42 гектар пахтазордан 30 центнердан хирмон кўтардик. 10 гектар ерга чорва озуқаси, 5 гектар майдонда сабзавот етиштирдик. Чорвачиликни ҳам йўлга қўйдик. Эндиги мақсадимиз чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш. Негаки, давлатимиз то-

монидан айнан шундай ишларни ривожлантиришга, фермер хўжалигини ҳар томонлама такомиллаштиришга кенг йўл очиб бериляпти. Бундай имкониятлар ҳар бир ишбилармон учун айна муддао.

Фермерлик ҳаракати қишлоқда етакчи кучга айланиб бормоқда. Президентимизнинг Фармони, шубҳасиз, мамлакатда фермерлик ҳаракатининг янада ривожланиши ва такомиллашуви, янги-янги қирраларининг очилишига хизмат қилади.

Эшпўлат ТҮЙЧИБОВЕВ, Жомбой туманидаги "Тўйчи бобо" фермер хўжалиги раҳбари.

Навоий Вилояти

ЮКСАК ИШОНЧ КАТТА МАСЪУЛИЯТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Мамлакатда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига ҳамда аграр соҳани ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни ҳамда ишлаб чиқаришларни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда.

Президентимизнинг шу йил 22 октябрьда эълон қилинган "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда бугунги фермер меҳнатига юксак баҳо берилганидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Фермерлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш борасидаги фикрлар зиммамизда нечоғли масъулият бормоғи, фермерларга ишончнинг юқорилигини англади.

Дехқонлар "Йилдан йилнинг фарқи бор", дейишади. Тўғри, табиатнинг баъзида инжиқликлари ҳам бўладики, бу дехқондан ишбилармонлик, вазиятга қараб иш тутишни талаб этади. Бу йил эса пахтакорнинг йили келди. Читини тақор экиннинг ҳожа-ти бўлмади. Баҳорнинг қулай иклими тўлиқ қаторлар ҳосил қилиш имконини яратди. Парва-

ларининг вақтида етказилиб берилаётгани, барча турдаги техникаларга эғалигимиз, гўзага жон бахш этувчи сувнинг етарли эканлиги каби энг муҳим масалалар мўжассамлиги ютукларимизнинг бош омилдир.

Галла ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам ҳосилдорлик йил сайин ошиб борапти. Буларнинг ҳаммаси фермернинг эркин меҳнат қилиши борасида барча имкониятларга эғалиги натижаси, албатта. Президентимиз Фармонда фермер хўжаликлари иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар дастурига кенг ўрин берилган.

Демак, фермер мамлакат қишлоқ хўжалигида етакчи куч. У аҳоли турмуш фаровонлигининг яхшиланishiда, қишлоқларнинг замонавий қиёфага киришишида, иқтисодий тармақнинг етишишида, хуллас, барча жабҳаларда қишлоқ мулкдорли сифатида фаол иштирок этади. Бу эса унинг салоҳияти янада ошишидан далолат беради.

Мардикул БҮРИЕВ, Хатирчи туманидаги "Умиров Адиз саховати сари" фермер хўжалиги раҳбари.

Навоий Вилояти

Зарафшон шаҳрида янги замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Уни Навоий кон-металлургия комбинати буюртмасига асосан "Зарафшон" курилиш бошқармаси бунёдкорлари барпо эттишти.

ЗАРАФШОНДА ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

Этиборлиси, бу иншоот курилиши учун Марказий кон бошқармаси ва Зарафшон курилиш бошқармаси ишчи-хизматчиларининг ўз маблағлари ҳисобидан 252 миллион сўм миқдорда ҳисса қўшганликларидир. 3-Касаба уюшмалари бирлашмаси қарори асосида ажратилган 450 миллион сўмга ишчи-хизматчилар маблағларининг қўшилиши эса бунёдкорлик ишларининг қисқа муддатда сифатли амалга оширилишига хизмат қилди.

Спорт мажмуаси 500 квадрат метр жойни эгаллаган. Бу ерда спортчиларнинг машғулот ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирда ушбу мажмуада спортнинг кураш, самбо, дзюдо, каратэ сингари бир неча турлари бўйича тўғрақ ишлари йўлга қўйилган.

Абдурусул САТТОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

СОҲИЛАТЛИ СИҲАТГОҲИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши курортлар бошқармасига қарашли "Қашқадарё соҳили" сиҳатгоҳи республикамиздаги ҳавоси тоза, табиати хушманзара масканлардан бири. Барча қулайликларга эга сиҳатгоҳ 200 нафар даволанувчига хизмат қилади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу ерда 1,5 минг нафардан зиёд киши соғлиғини мустаҳкамлади. Уларга Даврон Қулсатов, Раъно Аралова, Норбиби Ан-

нимдаги безовталикдан ҳам халос бўлдим. — Биз Жондор туманидан келганмиз, — дея сўхбатга қўшилди фермер Шамси Назаров. — Турмуш ўртоғим ҳам ўзимизнинг хўжалиқда ишлайди. Сиҳатгоҳда дам олувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, унинг сўлим ҳавоси, хушманзара табиати бизга жуда ёқди. Шифокор ва ҳамширалари ўта самимий, ширинсухан экан.

— Саломатлик инсон учун энг бебаҳо неъмат, — дейди сиҳатгоҳ директори Икром Раҳимов. — Масканимизда инсонлар саломат-



лигини мустаҳкамлаши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса, бу ердаги маъданли сув беморлар дардига шифо бўлмоқда. У хлорид, сульфат, калий, магний, натрий ва йод моддаларига жуда бой бўлиб, инсоннинг бош миёна, жигар, буйрак ва бошқа органларининг оксидланиш — тиланиш жараёнларида муҳим аҳамиятга эга. Сув муолажалари мияда қон айланиш жараёнини ва

унинг фаолиятини яхшилайти. Шунингдек, ошқозон-ичак, жигар, ўт пуфғи хасталикларини, таянч-ҳаракат аъзолари, юрак қон-томир тизими ҳамда неврологик, андрологик ва эндокринологик касалликларни даволашда ҳам яхши натижа беради.

Сўнги йилларда масканимизда кенг қўламдаги курилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Уч қаватли ётоқхона биноси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Юқори нафас йўллари даволовчи ингалиция, лазертерапия ва туз билан даволаш хоналари ишга туширилди. Айни дамда беморларнинг мароқли ҳордиқ чиқариб, мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун замонавий ёпиқ сув ҳавзаси ва жисмоний тарбия хоналари куриш ҳаракатида.

Ҳа, сиҳатгоҳда қилинаётган ишлар замирида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашдек эзгу мақсад мужассам.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



варова каби малакали шифокорлар ҳамда Розия Худойбердиева, Соҳиба Арамава каби ҳамширалар сифатли хизмат кўрсатиб келишмоқда.

— Яққабғо туманидаги туғуруқхонада ишлайман, — дейди Салима Қурбонова. — Бу ерга келиб дардимга даво топдим, ошқозон-



СПОРТ ФУТБОЛ ЁШЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Бирлашган Араб Амирликларида 3-17 ноябрь кунлари 19 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Мазкур мусобақада Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "С" гуруҳида Шимолий Корея, Вьетнам ва Йордания вакиллари билан баҳс олиб боришади.



Футболчиларимиз турнирга пухта тайёргарлик кўриш, хусусан, маҳаллий иқлим шароитига мослашиш мақсадида аллақачон БАА га жўнаб кетган бўлиб, 31 октябрь кунини Дубайда ўртоқлик учрашувини ўтказишга ҳам улгуришди. Лондоннинг "Арсенал" клуби Дубайдаги футбол академияси тарбияланувчиларига қарши кенг баҳсда ҳамюртларимиз рақиблар дарвозасига жавобсиз 12 та тўп киритишга муваффақ бўлишди.

Аҳмадjon Мусоев шогирдлари Осиё чемпионати ўйинларини қабул қиладиган Рас ал-Хайма шаҳрига жойлашди. Айнан ушбу шаҳарда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳ босқичидаги ўзининг илк ўйинини Вьетнам терма жамоасига қарши ўтказди. Мазкур ўйин 4 ноябрь кунини Тошкент вақти билан 22:00 да бошланади.

«СЎҒДИЁНА» ВА «ГУЛИСТОН» — ОЛИЙ ЛИГАДА

Футбол бўйича Ўзбекистон XXI миллий чемпионати биринчи лигасидан кейинги масъумин Олий лигада ўтказиладиган икки жамоа номи маълум бўлди.

24 жамоа баҳс олиб борган биринчи лигада дастлабки икки погонани Жиззах вилоятининг «Сўғдиёна» ва Сирдарё вилоятининг «Гулистон» жамоалари эгаллаб, Олий лига йўланмасини қўлга киритди.

«Сўғдиёна»нинг Олий лигага қайтиши учун бир масъум кифоя қилди. Бу йўланмани мuddатидан олдин нақд қилган Жиззахликлар сўнги турда пойтахтнинг «НБУ-Осиё» жамоасига 1:2 ҳисобида ютқазган бўлса-да, масъумини биринчи ўринда ақунлашди. Пойтахтлик футболчилар эса унинг ўринини эгаллашди.

Чемпионатда иккинчи погонадан жой олган «Гулистон» Фаллаордада ўтган сафар учрашувиде «Фаллакор-Автомобилчи»дан 4:2 ҳисобида устун келди. Сўнги турда «Хива» — «Нефтчи», «Хоразм» — «Кўқон-1912», «Бухоро-2» — «Косонсой», «Регистон» — «Оқтепа» учрашувларида мезбонлар бир хил — 3:1 ҳисобида зафар қучишди. «Зарафшон-ПФК» ўз майдониде «Чуст-Пахтакор»ни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Қаршида ўтган беллашувда эса «Насаф-2» футболчилари «Янгиер» билан 3:3 ҳисобида дуранг ўйнади.

«Гулистон» жамоаси ўтган мавсумда ҳам Олий лигага чиқиш вазифасини удалаган эди. Аммо клубдаги ташкилий ишлар билан боғлиқ муаммолар туфайли жамоа Олий лигада иштирок этолмаганди. Олий лигаи қайси жамоалар тарқ этиши эса ҳозирча номаълум.

ТАЭКВОНДО ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАН 22 МЕДАЛЬ

Жанубий Корейнинг Кенджу шаҳрида ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида таэквондо (WTF) бўйича «Когоа орен» халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 43 та мамлакатидан 1500 нафардан зиёд спортчи куч синашди.



«Пумсе» ва «кёруги» йўналиши бўйича ўтказилган баҳсларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган жаҳон чемпионати совриндориси Александр Ли, Умида Абдуллаева, Бахром Абдуллаев ва Александр Ни биринчи ўринни эгаллашди. Александр Ни шунингдек, мусобақа суперкубогини қўлга киритишга ҳам муваффақ бўлди. Жанубий Корея очиқ чемпионатида иштирок этган ўзбек таэквондочилари яна 4 та кумуш ва 14 та бронза медалини қўлга киритишди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Тайёрлов курсига марҳамат!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ 2013-2014 Ўқув йилида республикамизнинг олий ўқув юртига ТАЕСТ синовлари асосида кириш учун 2012 йил 1 декабрдан бошланадиган олий пуллик ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА ТИНГЛОВЧИЛАРНИ қабул қилади

Тошкент давлат аграр университетининг пуллик тайёрлов курси тингловчиларнинг математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда чет тили фанлари бўйича тест синовлари топширишига тайёрлайди. Тингловчиларнинг ўқиши, овқatlanishi, даволенishi ва дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд.

Ўқув учун эса ойига 150 000 (бир юз эллик минг) сўм нақд ёки пул ўтказиш йўли билан тўланади. Харабий хизматни ўтаб, йўлленма билан келган ёшлар ҳамда «Меҳрибонлик уйлари» битирувчилари текин ўқитилади ва давлат томонидан берилган барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Тингловчиларнинг олган билимлари (ўлаштиришлари) ҳар ой охирида тест синовлари ўтказиш йўли билан аниқланади. Тайёрлов курсини муваффақиятли тугатган тингловчилар «Давлат гранти» асосида ўқишга киришлари учун етарли билимга эга бўлади.

Ўқув 2012 йил 1 декабрдан бошланади. Ҳужжатлар Тайёрлов курси ўқув биносининг 2-қават 3-хонасида қабул қилинмоқда. Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- 1. Ариза
2. 3x4 ўлчамли 2 донга фотосурат
3. Аттестат ёки паспорт нусхаси

Мурожаат учун телефон: 260-48-49; +99894 615-34-69.

Манзилимиз: 6, 17, 19, 83, 96, 115, 129, 149, 491 автобусларнинг «Университет» бекати.

Тошкент ш. Юнусов т.да жойлашган МФК «KUCH — BILIM VA TAFARUKDA» иккинчи маъража устав фонди 32 486 419 сўмдан 2 900 000 сўмга камайтирилгани маълум қилади.
Утеревый диплом К № 0101798, выданный 01.10.2010 г. Республиканским Медицинским Колледжем на имя Тургунов Садриддин Содиқ хизм, считать действительным.
ООО «GOLD BANK» (ИНН 302213209), Чивазаарского р-на г. Ташкент, сообщит об уменьшении уставного фонда с 257 773 180 сум до 84 603 180 сум.
Утеревый план и документы дома, расположенного по адресу: г. Ташкент, Утегенинский р-н м.к. Коттажес 1 проезд ул. Гулистон д. 5, выданные Утегенинским БТИ на имя Салимова Иргаша Кучеровича, считать действительными.
Утеревый бланк формы № 0402005 номера ИРВ 1030176, ИРВ 1030177, ИРВ 1030178, ИРВ 1030179, ИРВ 1030180, ИРВ 1030181, ИРВ 1030182, ИРВ 1030183, ИРВ 1030184, ИРВ 1030185, ИРВ 1030186, ИРВ 1030187, ИРВ 1030188, ИРВ 1030189, ИРВ 1030190, ИРВ 1030191, ИРВ 1030192, ИРВ 1030193, ИРВ 1030194, ИРВ 1030195, ИРВ 1030196, ИРВ 1030197, ИРВ 1030198, ИРВ 1030199, ИРВ 1030200 принадежающие Чивазаарскому филиалу АУБ «Ислам Банк», считать действительными.
ЧП «RAZAMOV-BADKOV» (ИНН 300985024), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Утегенинского р-на г. Ташкент, расположенное по адресу: Чивазаар-26, 22, 79, ликвидировано (протокол собрания № 1 от 1.11.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 904-83-82.
ООО «LIME INTER MEBEL» (ИНН 301727715), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Утегенинского р-на г. Ташкент, расположенное по адресу: ул. Фарух 24, ликвидировано (протокол собрания № 1 от 31.10.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 303-30-44.
ООО «MAMABO TAJMIR SERVICE» (ИНН 302254995), сообщит об уменьшении Уставного фонда с 10 000 000 сум до 5 000 000 сум. Претензии принимаются в течение месяца с момента публикации объявления.
Тошкент Давлат Юридик институт томонидан 04.07.1987 й.да Қудратов Рустам Буриев номига берилган ПВ № 825282 соҳили (рўйхат рақами 22486) диплом йўқолишига сабабни бекор қилинди.
Тошкент ш. Миробод г. БТИК томонидан Тошкент ш. Миробод т. Шаҳрида кўч. 15-й 53-кўчадан мезбонлиги учун Болтаева Дурдона Худайберганаева номига расмийлаштирилган ул. пайни ҳужжатлари йўқолишига сабабни бекор қилинди.
Тошкент ш. Чиланга т. ТСПУИда (13.01.2006 й.), реєстр № 01-000883) рўйхатдан ўтган «DADI, BARAKA SAVDO» ХК (ИНН 20595298) 31.10.2012 й.даги 2-сонли қарорига асосан Чиланга т. ТСПУИда (26.08.2010 й.), реєстр № 01-000911) рўйхатдан ўтган «YOUMIDDIN» ХКга (ИНН 201219829) бевоситалар билан қўриқиб олиш бўйича «YOUMIDDIN» ХКнинг ташкилий ҳужжатлари шакли МФКга узгартирилиши маълум қилади. «DADI, BARAKA SAVDO» ХК ва «YOUMIDDIN» ХКнинг барча ҳужж. ва маҳбуротлари бўйича «YOUMIDDIN» МФК хазинадор қисмига берилди. Давлаткор учун тел.: 397-33-85.
ООО «TABASSUM PLUS» (ИНН 207981547), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чивазаарского р-на г. Ташкент, расположенное по адресу: Чивазаар-16, 15, 10, ликвидировано (протокол собрания № 1 от 1.11.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 125-95-47.

ЎШУ ОМОНАТ ТУРИНИ БАНКНИНГ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДА ОЧИШ МУМКИН.

«АСАКА» банк (ОАЖ)

Сизларни яқинлашиб келаётган Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллиги билан қўтлайди ҳамда ҳорижий валютадаги янги мuddатли омонат турларини тақлиф этади:



«МАҚСАДЛИ — 2012»

АҚШ доллариде Сакланиш мuddати — 1 йил. Ҳисобланган фойзалар омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

«КАФОЛАТЛИ — 2012»

ЕВРОда Сакланиш мuddати — 1 йил. Ҳисобланган фойзалар омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

«АСАКА» БАНК (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КўПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРИНГИЗ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНДИ.

- 1. Тошкент шаҳар филиали (371) 120-83-13
2. «Автотранспорт» филиали (371) 120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали (371) 140-39-36
4. Юнусовод филиали (371) 221-80-67
5. Сирғали филиали (371) 258-67-49
6. Тошкент вилоти филиали (371) 120-84-13
7. Андижон вилоти филиали (374) 224-40-96
8. Асака филиали (374) 233-13-69
9. «Фарҳод» филиали (374) 229-97-53
10. Фарғона вилоти филиали (373) 224-70-83
11. Марғилон филиали (373) 237-12-37
12. Олтиариқ филиали (373) 432-10-11
13. Кўқон филиали (373) 552-61-04
14. Наманган вилоти филиали (369) 226-94-75
15. Навоий вилоти филиали (436) 223-54-32
16. Зарафшон филиали (436) 573-18-78
17. Бухоро вилоти филиали (365) 223-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали (365) 770-11-27
19. Самарқанд вилоти филиали (366) 231-08-86
20. «Афросиёб» филиали (366) 234-17-96
21. Қашқадарё вилоти филиали (375) 221-12-93
22. Сурхондарё вилоти филиали (376) 770-82-12
23. Қорақалғистон филиали (361) 223-72-47
24. Хоразм вилоти филиали (362) 226-97-78
25. Сирдарё вилоти филиали (367) 225-44-03
26. Жиззах вилоти филиали (372) 226-43-11

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
• маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
• эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёриңизда!
• микдор чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ
Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси Агротехнология тарихидеги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазиран ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РҲЗНЕВ, Уллубек УЗОКОВ, Ферид ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдижаҳон ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сунат САЙДАЛИЕВ, Оянолла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шероз ФУЛОМОВ, Муҳаммад АБДУСАМАТОВ (Маъсум котиб).

Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. ISSN 2030-7023

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибнат — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иқтисодий сийбон ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Ҳаётлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 978-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04. Рекламан ва эълонлар матни учун буюртмачи жавабгар. Навбатчи муҳаррир: Х.МҲМИНОВ, Мусабхос: О.ОЧИЛОВ, Дизайнер: М.БОСОМУЛЛАМЕДОВА.